



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ

Йиллик ҳисобот 2025



Вазирлик ва идораларнинг
ички аудит хизматлари
фаолиятини баҳолаш
натижалари

www.imv.uz

Тошкент 2026 йил

МУНДАРИЖА

РЕЗЮМЕ	3
1. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
1.1. Баҳолашга оид амалдаги қонунчилик	4
1.2. Баҳолаш бўйича саволнома	4
1.3. 2025 йил учун баҳолаш режаси.....	6
2. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	6
3. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН КИРИТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРОСИ	9
4. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР	11
5. ЯКУНИЙ ҚИСМ.....	12
Вазирлик ва идоралар кесимида баҳолаш натижалари (Илова).....	13

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари) **бюджет интизомини мустаҳкамлаш** (I), бюджет тўғрисидаги **қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш** (II), **бюджет тизими бюджетларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш** (III) мақсадида фаолият олиб бормоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда фаолиятни такомиллаштириб бориш мақсадида **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш** (кейинги ўринларда – баҳолаш) **амалга оширилди**.

Баҳолаш ички аудит хизматлари фаолиятини тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилиши, хавф таҳлили тизимининг йўлга қўйилиши, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши, аудит тадбирлари натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсия (чоратадбир)ларнинг ижро этилиши ва ходимларнинг малака даражасини қамраб олган **7 та** йўналишдаги намунавий саволномага балл бериш орқали амалга оширилди.

Маълумот учун: *Баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси 90 фоиз ва ундан юқори бўлганда “юқори”, 70-90 фоиз оралиғида бўлганда “ўрта”, 70 фоиздан кам бўлганда “паст” деб баҳоланади.*

2025 йилда баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, ички аудитга оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва баҳолаш амалиётидан келиб чиқиб, Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича намунавий саволномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва бунинг натижасида саволлар сони 2024 йилга нисбатан **17 тага** кўпайган ҳолда **58 тани** ташкил этди.

2025 йилда **5 турдаги** хавф омилларининг таҳлили асосида танлаб олинган **11 та** вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларида (*жами ички аудит хизматлари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг* **22 фоизи**) **баҳолаш ўтказилди**.

Баҳолаш натижасига кўра, **2 та (18%)** вазирликда ички аудит хизматларининг фаолияти **“юқори”** ва яна **6 та (55%)** вазирлик ва идораларда **“ўрта”** ҳамда қолган **3 та (27%)** вазирликда **“паст”** даражада баҳоланди (*жамланма маълумот мазкур ҳисоботнинг* **2-бўлимида** келтирилади).

Баҳолаш доирасида қуйидаги масалаларни ўз ичига олувчи **чоратадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланди:**

ички аудит хизматларининг ички ҳужжатларини (низом ва лавозим йўриқномаларини) ички аудитга оид қонунчиликка мувофиқлаштириш;

йиллик режа учун хавф таҳлилининг сифатини янада ошириш;

ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;

ҳар чоракда бир молиявий масалага (давлат харидлари, иш ҳақи, қурилиш-таъмирлаш, асосий воситалар ҳисоби каби) қаратилган режадан ташқари ички аудит тадбирларини ўтказиш орқали тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

ички аудит хизматининг очиқлигини таъминлаш мақсадида фаолият натижаларини мунтазам равишда жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

ходимларнинг малакасини ошириб бориш ва кадрлар захирасини шакллантириш;

ички аудит хизматларида ички баҳолашни йўлга қўйиш.

1. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1.1. Баҳолашга оид амалдаги қонунчилик

Мамлакатимизда ички аудит хизматлари фаолиятининг ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида, уларнинг фаолиятини баҳолаш амалиёти йўлга қўйилган.

Хусусан, баҳолаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар йили қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ички аудит хизматлари фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда хавф таҳлилини амалга ошириш ҳамда мазкур таҳлил натижалари асосида баҳолаш ўтказиладиган ички аудит хизматларини танлаб олиш ва баҳолаш режасини ишлаб чиқиш;

баҳолаш тўғрисида вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда ички аудит хизмати фаолиятини ўн иш кунидан ошмаган муддатда баҳолаш;

1.2. Баҳолаш бўйича саволнома

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш белгиланган тартибда баҳолаш бўйича намунавий саволномага балл бериш орқали амалга оширилади.

2025 йилда баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, ички аудитга оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда баҳолаш амалиётидан келиб чиқиб, баҳолаш саволномасининг қуйидаги йўналишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши йўналиши бўйича **1 та**;

ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши йўналиши бўйича **3 та**;

баҳолаш натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштириш, ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

ички аудит хизматлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши мониторингини амалга ошириш.

Ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси қуйидагича баҳоланади:

90 фоиз ва ундан юқори бўлганда, "юқори";

70 фоиздан (шу жумладан, 70 фоиз) 90 фоизгача бўлганда, "ўрта";

70 фоиздан кам бўлганда, "паст".

Бунда, сифат даражаси кўрсаткичи ҳар бир йўналишдаги саволларга берилган баллар йиғиндисининг ушбу йўналишдаги саволларга берилиши мумкин бўлган энг юқори баллар йиғиндисига нисбатини белгиланган вазнга кўпайтириш орқали аниқланади.

ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **10 та**;

чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича **5 та**;

ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ҳамда фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши йўналиши бўйича **4 та**;

ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича **4 та** қўшимча саволлар киритилди.

Шунингдек, саволномадаги йўналишларнинг ички аудит хизматлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳимлигидан келиб чиқиб, уларга вазн белгиланган. (1-жадвал).

**Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича намунавий саволлар
йўналишларига белгиланган вазнлар миқдори**

T/p	Баҳолаш саволлари йўналиши	Вазн
1.	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши	0,10
2.	Ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	0,10
3.	Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши	0,20
4.	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши	0,20
5.	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	0,20
6.	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ҳамда фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши	0,15
7.	Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар	0,05

Юқоридаги жадвалда кўрсатилгандек, **ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (0,20), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (0,20) ва чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (0,20)** йўналишларига юқори вазн белгиланган.

Бунга асосий сабаб сифатида илғор халқаро тажрибаларда, хусусан, Жаҳон банкининг Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) дастури¹ томонидан ўтказиладиган баҳолаш жараёнида ички аудит компоненти учун ички аудит йиллик режаларининг бажарилиши, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши асосий индикаторлар ҳисобланишини келтириб ўтиш мумкин.

*Маълумот учун: Мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг ички аудит хизматлари фаолияти 2024 йилда Жаҳон банкининг давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) мезонлари бўйича халқаро илғор стандартларга **“мувофиқ” (B+)** деб баҳоланди (2019 йилда ушбу натижа «қониқарсиз» (D+) деб баҳоланган).*

Шу билан бирга, 2025 йилда Жаҳон банки кўмагида ташкил этилган Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (PEMPAL) Ички аудит ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг муваффақият ҳикоялари (**PEMPAL Success Stories**) қаторида Ўзбекистонда амалга оширилаётган **ички аудит ислохотлари ва эришилган натижалар тўғрисида** “Ички аудит келажагини шакллантириш” мавзусида **PEMPAL ҳамжамиятининг мақоласи**² эълон қилинди.

¹ Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик самарадорлигини баҳолаш услубиёти <https://www.pefa.org>

² <https://www.pempal.org/uzbekistan-shaping-future-internal-audit>

1.3. 2025 йил учун баҳолаш режаси

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 22 февралдаги 23-43-сонли буйруғи билан 2025 йил учун вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш йиллик режаси тасдиқланди.

Мазкур режага хавф таҳлили асосида танлаб олинган юқори хавф даражасига эга ички аудит хизматлари киритилган.

2-жадвал

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш йиллик режаси

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Баҳолаш ўтказиш муддати
1.	Транспорт вазирлиги	17.03.2025 – 28.03.2025
2.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	07.04.2025 – 18.04.2025
3.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	28.04.2025 – 08.05.2025
4.	Маданият вазирлиги	19.05.2025 – 30.05.2025
5.	Адлия вазирлиги	09.06.2025 – 20.06.2025
6.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	30.06.2025 – 11.07.2025
7.	Ёшлар ишлари агентлиги	11.08.2025 – 22.08.2025
8.	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	22.09.2025 – 03.10.2025
9.	Ўзархив агентлиги	13.10.2025 – 24.10.2025
10.	Фанлар академияси	03.11.2025 – 14.11.2025
11.	Кадастр агентлиги	24.11.2025 – 05.12.2025

2. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Йиллик режага мувофиқ 2025 йил давомида ўтказилган баҳолаш натижасига кўра, **Транспорт вазирлиги (62,2%)**, **Экология вазирлиги (64,3%)**, **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (66,7%)**, ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси **“паст”**, Кадастр агентлиги (72,3%), Ёшлар ишлари агентлиги (75,7%), Маданият вазирлиги (81,3%), Фанлар академияси (82,3%), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (86,1%), Ўзархив агентлиги (88,7%) ички аудит хизматининг сифат даражаси **“ўрта”** ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (91,6%), Адлия вазирлиги (92,4%) ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **“юқори”** даражада баҳоланди (1-расм).

Маълумот учун, 2025 йилнинг биринчи ярмида баҳолаш ўтказилган **5 та вазирлик ва идоралар** ички аудит хизматларнинг баҳолаш натижалари бўйича **ярим йиллик ҳисобот** Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Ўз навбатида, **2024 йилда** баҳолаш ўтказилган Маданият вазирлиги (73,3%), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (73,7%), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (56,6%) ҳамда Фанлар академияси (67,1%) ички аудит хизматларининг **сифат даражаси жорий йилда ўсишига эришилган** (2-расм).

2025 йилда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

T/p	Назорат саволлари йўналиши	Адлия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ўзархив агентлиги	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Фанлар академияси	Маданият вазирлиги	Ёшлар ишлари агентлиги	Кадастр агентлиги	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Экология вазирлиги	Транспорт вазирлиги
Сифат даражаси (фоизда)		92,4%	91,6%	88,7%	86,1%	83,8%	81,3%	75,7%	72,3%	66,7%	64,3%	62,2%
1	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ҳамда фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши	92%	100%	100%	83%	83%	83%	75%	100%	100%	100%	100%
2	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши	100%	94%	89%	100%	100%	78%	100%	89%	83%	100%	78%
3	Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар	92%	93%	100%	86%	100%	79%	92%	70%	83%	43%	92%
4	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши	89%	100%	86%	96%	92%	75%	68%	68%	100%	61%	79%
5	Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	100%	100%	100%	100%	67%	83%	50%	50%	67%	100%	67%
6	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	94%	88%	69%	50%	100%	100%	81%	44%	38%	56%	25%
7	Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши	88%	75%	94%	100%	56%	69%	75%	88%	25%	19%	38%

– юқори
 – ўрта
 – паст

Юқоридаги 1-расмда баҳолаш йўналишлари бўйича вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси акс эттирилган. Бунда, ички аудит хизматининг сифат даражаси ҳар бир йўналиш натижаларидан келиб чиқиб аниқланган.

Баҳолаш жараёнида **ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ҳамда фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши** ҳамда **ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ва ресурслар билан таъминланиши** йўналишлари бўйича аксарият вазирлик ва идораларда **“юқори” (90** фоиз ва ундан юқори) натижалар қайд этилди.

Шундай бўлсада, **ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши** йўналишида *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (19%)*, *Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (25%)*, *Транспорт вазирлиги (38%)*, *Фанлар академияси (56%)* ҳамда *Маданият вазирлигида (69%)* **“паст” даражадаги натижалар қайд этилди.**

Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича *Транспорт вазирлиги (25%)*, *Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (38%)*, *Кадастр агентлиги (44%)*, *Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (50%)* ҳамда *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида (56%)* натижалар **“паст” даражада эканлиги аниқланди.**

Шунингдек, баҳолашда **ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши** йўналишида ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбирлари учун **дастур ишлаб чиқилмаганлиги**, ички аудит тадбирлари натижалари **белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги** ва **“Давлат аудити” дастурий комплексига киритилмаганлиги** ҳамда фаолияти юзасидан **биринчи раҳбарга ҳисоботлар тақдим этиб берилмаганлиги аниқланди.**

Буларнинг бажарилмаганлиги сабабли *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (61%)*, *Кадастр агентлиги (68%)* ҳамда *Ёшлар ишлари агентлигида (68%)* **нисбатан “паст” даражадаги натижалар қайд этилди.**


Шу билан бирга, **ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши** йўналиши бўйича кўрсаткичлар бошқа йўналишларга нисбатан паст даражада қолмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида вазирлик ва идораларнинг **ички аудит хизмати тўғрисидаги (ички) низоми ҳамда ички аудит хизмати ходимларининг лавозим йўриқномалари** Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмаганлигини** (ички ҳужжатларда намунавий низомда белгиланмаган вазифаларнинг назарда тутилганлигини) келтириб ўтиш мумкин.

Мазкур йўналишда *Кадастр агентлиги (50%)*, *Ёшлар ишлари агентлиги (50%)*, *Транспорт вазирлиги (67%)* ҳамда *Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида (67%)* ички аудит хизматлари фаолияти **“паст” даражада баҳоланган.**

Саволноманинг **ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар** йўналишида ички аудит хизматлари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг фаолият юзасидан **олдинги баҳолашда берилган таклиф ва тавсиялари бажарилмаганлиги** ҳамда тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган **нобюджет муассаса ва ташкилотларда** молиявий-хўжалик фаолияти бўйича **ўтказилган аудит (назорат) ишларига оид ҳужжатлар мониторинги юритмаганлиги** сабабли *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида (43%)* **“паст” даражадаги натижалар қайд этилди.**

Баҳолаш натижалари бўйича вазирлик ва идоралар кесимидаги батафсил маълумотлар мазкур Ҳисоботга **иловада** келтириб ўтилган.

2024-2025 йилларда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича сифат даражаси (фоизда)



Юқоридаги расмда 2024-2025 йилларда баҳолаш ўтказилган вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларининг сифат даражаси (фоизда) акс эттирилган. Бунда, ички аудит хизматларининг сифат даражаси ҳар бир йўналиш натижаларидан келиб чиқиб аниқланган.

Ушбу расмда келтирилган 2024 йилда баҳолаш ўтказилган вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари жорий йилнинг баҳолаш режасини ишлаб чиқишда ўтказилган хавф таҳлили натижасига кўра “юқори” хавф даражаси билан баҳолаш режасига киритилган.

2025 йилда ўтказилган баҳолаш натижасига кўра **Қишлоқ хўжалиги вазирлигида** ички аудит хизматининг ички ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилганлиги (тасдиқланганлиги) ҳисобига ички аудит хизматининг сифат даражаси 2024 йилга (“ўрта” даражада баҳоланган) нисбатан яхшиланишига эришилган ва **“юқори” даражада баҳоланди.**

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида ички аудит тадбирларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги ва қонунчилик ҳужжатларининг профилактикаси йўлга қўйилганлиги ҳамда **Фанлар академиясида** ички аудит йиллик режасининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилганлиги ҳисобига ички аудит хизматларининг сифат даражаси 2024 йилга (“*паст*” даражада баҳоланган) нисбатан яхшиланишига эришилган ва **“ўрта” даражада баҳоланди.**

Маданият вазирлигида ички аудит хизматининг мустақиллиги таъминланганлиги ҳисобига ички аудит хизматининг сифат даражаси 2024 йилга нисбатан фоиз кўрсаткичларида яхшиланишига эришилган ва 81% билан **“ўрта” даражада баҳоланди.**

Шунингдек, баҳолашда ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан берилган таклиф ва тавсиялар ҳамда ички аудитга оид қонунчиликнинг такомиллаштириб борилаётганлиги уларнинг сифат даражаси яхшиланишига хизмат қилмоқда.

3. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН КИРИТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРОСИ

2025 йил давомида ўтказилган баҳолаш натижалари асосида ички аудит хизматлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар, тизимли муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, ички аудит хизматларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ҳар бир вазирлик ва идорада чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, ички аудит хизматлари фаолиятида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар берилди:

Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши ҳамда фаолиятга оид ички ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши бўйича:

ички аудит хизматининг бўйсунуви ва ҳисобдорлигини вазирлик ва идоранинг биринчи раҳбарига белгиланишини ташкил этиш;

марказий аппарат тузилмасида ички аудит бўлинмасининг мустақиллигини таъминлаш;

ички аудит хизмати тўғрисидаги низом ва ходимлар лавозим йўриқномаларини ички аудитга оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларига (киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда) мувофиқлаштириш;

Ички аудит йиллик режасини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш бўйича:

ички аудит йиллик режасини тизимдаги барча ички аудит объектларини қамраб олган хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиш ҳамда хавф таҳлили ўтказишни янада такомиллаштириш;

ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқишда мавжуд вақт ресурсларини ҳисобга олган ҳолда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Ички аудит тадбирларининг ўтказилишини самарадорлигини ошириш бўйича:

ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини ички аудит фаолиятига оид қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

ички аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасини белгиланган тартибда тузиш, ижросини таъминлаш ва унинг мониторингини амалга ошириш;

ички аудит тадбирлари натижаларини белгиланган муддатларда “Давлат аудити” дастурий комплексига киритиш;

ички аудит тадбирларини ўтказишда асосий эътиборни қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олишга (профилактикага) қаратиш, бунда ҳар чоракда бир молиявий масалага (давлат харидлари, иш ҳақи, қурилиш-таъмирлаш, асосий воситалар ҳисоби каби) қаратилган режадан ташқари ички аудит тадбирларини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш

ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит ўтказишни такомиллаштириш;

Ҳисоб палатаси томонидан тақдим этилган хавф-таҳлиллар бўйича аудит тадбирларини ўтказиш тўғрисида тегишли чоралар кўриш;

ички аудит хизмати фаолияти бўйича ҳисоботларни вазирлик ва идора раҳбарига тақдим этиб бориш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка эълон қилиш;

тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатлар мониторингини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган самарадорлик индикаторларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш;

Ички аудит хизматида самарали кадрлар сиёсатини йўлга қўйиш бўйича:

вазирлик ва идорада ички аудит фаолиятини амалга ошириш учун ички аудит хизмати ходимларининг (штат бирликларининг) етарлилигини кўриб чиқиш;

ходимлар малакасини доимий ошириб бориш, шунингдек, ички аудит хизматида мавжуд вакант лавозимларни миллий малака сертификатига эга малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда ички аудит хизмати учун кадрлар захирасини шакллантириш;

ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлар асосида баҳолаш;

Ички аудит фаолиятини ривожлантириш бўйича бошқа масалалар:

ички аудитнинг халқаро илғор тажрибаларини ўрганиш;

вазирлик (идора) тизимидаги ташкилотларда ташкил этилган ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик ҳамда ҳисобдорликни йўлга қўйиш;

4. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР

Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни амалга ошириш бўйича 2026 йил давомида қуйидаги ишларни бажариш режалаштирилмоқда:

хавф таҳлили асосида 2026 йилда баҳолаш ўтказиладиган ички аудит хизматлари танлаб олинади ва баҳолаш йиллик режаси ишлаб чиқилади;

қабул қилинган ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатлари ва амалиётдан келиб чиқиб, ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш саволномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

Баҳолаш натижасида “**наст**” даражада баҳоланган йўналишларни яхшилаш бўйича вазирлик ва идоралар билан мунтазам ва яқиндан ишлар олиб борилади ҳамда 2025 йилда баҳолаш ўтказилган ички аудит хизматлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши мониторинги давом эттирилади;

ички аудит хизматининг вазирлик ва идорада “Хавфларни бошқариш” қўмитасининг ишчи органи сифатида фаолиятини йўлга қўйиш;

ички аудит хизматига ўз фаолиятини амалга ошириш учун ички ва ташқи ахборот тизимларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

ички назорат жараёнларини такомиллаштириш.

Ўз навбатида, баҳолаш ўтказилган вазирлик ва идоралар томонидан **ички аудит хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар амалга оширилди:**

Транспорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда Фанлар академиясида ички аудит хизмати тўғрисидаги низомлар ва ходимлар лавозим йўриқномаларининг ички аудитга оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги таъминланди.

Шунингдек, Маданият вазирлигида ички аудит хизматининг биринчи раҳбарга (вазирга) бўйсунуви таъминланди.

тажриба – синов тариқасида ички аудит фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигида “Намунали ички аудит хизмати” лойиҳаси амалга ошириш давом эттирилади;

Ички аудит хизмати ходимларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўқув марказида малакасини ошириш чоралари кўрилади ҳамда фаолиятга оид миллий ва хорижий экспертлар иштирокида ўқув семинарлар ва тренинглар ўтказилиб борилади.

Шу билан бирга, ўрта ва узоқ муддатли режаларда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тизимини илғор хориж тажрибалари асосида доимий такомиллаштириб бориш ва рақамлаштириш назарда тутилган.

5. ЯКУНИЙ ҚИСМ

2025 йилда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини яхшилаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан:

ички аудит хизматлари фаолиятига оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ҳамда улардан фойдаланиш ички аудит хизматлари ходимларига атрофлича етказилди;

ички аудит тузилмаларида мавжуд муаммолар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди;

ички аудит хизматларига оид ички ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланди;

ички аудит хизматларининг мустақиллиги ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминланди;

ички аудит хизматлари фаолиятининг хавф таҳлиliga йўналтирилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилди, хавф таҳлилининг ташкил этиш ҳамда баҳолаш бўйича ходимларнинг билим ва кўникмалари оширилди;

ички аудит тадбирларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ва бажарилиши муҳимлиги бўйича услубий ёрдам кўрсатилди;

ички аудит хизматлари ходимларининг бевосита баҳолаш жараёнида малакасини ошириш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, ички аудит хизматларининг баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги ички аудит хизматлари фаолиятига оид Ҳукумат қарорларига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

ички аудит хизматлари энг кам штат бирликлари сонининг аниқлаш методикаси ва ички аудит хизмати раҳбарларининг лавозимдан озод этишни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш тартиби белгиланди;

ички аудит хизматлари фаолиятининг баҳолашда фойдаланиладиган саволномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;

ички аудит миллий малака сертификатининг бериш ва сертификат эгаларининг малакасини ошириш жараёнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР КЕСИМИДА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ**Транспорт вазирлиги**

Транспорт вазирлигида Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 17 мартдан 28 мартага қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 62,2 фоиз кўрсаткич билан “паст” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**12 баллдан 8 балл (67%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**16 баллдан 6 балл (38%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**28 баллдан 22 балл (79%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**16 баллдан 4 балл (25%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати низоми **намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилмаган.** Жумладан, хизматнинг низомида:

ички аудит хизмати **фаолиятига аралашувларга йўл қўйилмаслик** ҳамда унга **ўз фаолиятдан ташқари бошқа фаолиятга оид вазифаларнинг юкланишига чеклов(лар);**

ички аудит тадбирларида иштирок этишга ёки ушбу тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмаслик ҳолатлари бўйича талаблар (манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва олдини олиш чораларини кўриш) **белгиланмаган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йилнинг режасини ишлаб чиқиш учун ўтказилган хавф таҳлиliga **барча ички аудит объектлари қамраб олинмаган.**

Шу билан бирга, ўтказилган хавф таҳлиliga кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари йиллик режага тўлиқ киритилмаган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **мавжуд вақт ресурслари ҳисобга олинмаган.**

3. Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларида **жиноят аломати мавжуд бўлганда бу тўғрисида биринчи раҳбарга хабардор қилинмаган**

Шунингдек, вазирликнинг **бюджет дастурлари ижроси белгиланган йўналишларда баҳоланмаган** ҳамда баҳолаш натижалари бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.**


4. Чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши йўналиши бўйича 2024 йилда ўтказилган **ички аудит тадбирлари натижалари юзасидан чора-тадбирлар режаси тузилмаган.**

Шу билан бирга, 2024 йил давомида **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) амалга оширилмаган.**

Бундан ташқари, 2024 йил учун тасдиқланган **йиллик режа 25 фоизга бажарилган.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликнинг ички аудит хизмати (ички) низоми Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳолда қайта тасдиқланди. Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқиши Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Транспорт вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- 1 Ички аудит хизматининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- 2 Ички аудит хизмати ички хужжатларнинг қабул қилиниши
- 3 Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- 4 Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- 5 Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- 6 Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- 7 Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида Ички аудит бўлими фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 28 апрелидан 8 майга қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 64,3 фоиз кўрсаткич билан “паст” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши **(16 баллдан 3 балл (19%))**, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(28 баллдан 17 балл (61%))**, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши **(16 баллдан 9 балл (56%))**, ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар **(14 баллдан 6 балл (43%))** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йилнинг режаси **хавф таҳлили ўтказилмаган ҳолда ишлаб чиқилган** ва шу сабабли ҳисобот даврида **режадан ташқари аудит тадбирларини ўтказиш сезиларли даражада кўпайган.**

Шунингдек, йиллик режани ишлаб чиқишда **мавжуд вақт ресурслари ҳисобга олинмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари учун дастур ишлаб чиқилмаган (ёки белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган)** ва ўтказилган ички аудит тадбирларининг **натижалари “Давлат аудити” дастурига киритилмаган** ҳамда бўлим фаолияти бўйича **ҳисоботлар биринчи раҳбарга киритилмаган.**

Бундан ташқари, вазирликнинг **бюджет дастурлари ижроси белгиланган йўналишларда баҳоланмаган** ҳамда баҳолаш натижалари бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит бўлими томонидан 2025 йилда ўтказилган ички аудит тадбирлари натижалари бўйича **чора-тадбирлар режасининг бажарилиши мониторинги йўлга қўйилмаган.**

Шу билан бирга, 2024 йил учун тасдиқланган **йиллик режа 22 фоизга бажарилган.**

4. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича ички аудит бўлимига ўз фаолиятини амалга ошириш учун **ички ва ташқи ахборот тизимларидан фойдаланиш имконияти яратилмаган.**


Вазирлик тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича **ўтказилган аудит (назорат) ишларига оид ҳужжатлар мониторинги юритилмаган.**

Бундан ташқари, ички аудит бўлими фаолияти бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **олдинги баҳолашда берилган таклиф ва тавсиялар бажарилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит бўлими томонидан йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши бўйича тушунтириш берилди. Шунингдек, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижалари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг бажарилиши мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Вазирликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларни белгиланган барча йўналишларда баҳоланиши ва натижалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши бўйича тушунтиришлар берилди.

Экология вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- 1 Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- 2 Ички аудит хизматининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- 3 Ички аудит хизмати ички хужжатларнинг қабул қилиниши
- 4 Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- 5 Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- 6 Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- 7 Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқирилиши

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида Ички аудит ва молиявий назорат департаменти фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 7 апрелидан 18 апрелига қадар амалга оширилди. Унга кўра, департаментнинг **сифат даражаси 66,7 фоиз кўрсаткич билан “паст” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**12 баллдан 8 балл (67%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**16 баллдан 4 балл (25%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**16 баллдан 6 балл (38%)**), ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар (**12 баллдан 10 балл (83%)**), йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўналиши бўйича департамент низоми ва ходимлар лавозим йўриқномаларида **намунавий низомга мувофиқ бўлмаган бандлари мавжуд.** Жумладан, ушбу ҳужжатларда **текшириш ва назорат тадбирлари билан боғлиқ вазифа ва функциялар**, шунингдек, вазирликда мурожаатлар билан ишлаш бўйича **«Ишонч телефони» фаолиятини ташкил этиш вазифаси белгиланган.**

Шу билан бирга, департаментнинг низомида департаментга ўз фаолиятидан ташқари **бошқа фаолиятга оид вазифаларнинг юкланишига чеклов(лар) белгиланмаган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йилнинг режасини ишлаб чиқиш учун ўтказилган хавф таҳлиliga **барча ички аудит объектлари қамраб олинмаган.**

Шу билан бирга, ўтказилган хавф таҳлиliga кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари йиллик режага тўлиқ киритилмаган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **мавжуд вақт ресурслари ҳисобга олинмаган.**

Бундан ташқари, ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисмни ташкил қилган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича департамент томонидан 2024 йилда ўтказилган ички аудит тадбирлари натижалари бўйича **чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда тузилмаган** ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича **мониторинг юритилмаган.**

Шу билан бирга, 2024 йил учун тасдиқланган **йиллик режа 63 фоизга бажарилган.**

Бундан ташқари, департаментнинг барча ходимларига масофавий аудит ўтказиш учун **“ЎзАСБО” дастурий мажмуасидан фойдаланишга имконият яратилмаган (логин ва пароллар олинмаган).**


4. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича фуқаролар иштирокидаги аудит тизими бўйича **назорат объектлари “Давлат аудити” дастурий комплексига тўлиқ киритилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликнинг ички аудит хизмати (ички) низоми ҳамда ходимлар лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳолда қайта тасдиқланди.

Шунингдек, департаментнинг йиллик режасини вазирликнинг барча ички аудит объектларини қамраб олган хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиш ва бунда мавжуд вақт ресурсларини инобатга олиш бўйича тушунтириш берилди.

Ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда масофавий аудит қамровини ошириш мақсадида, департаментнинг барча ходимларига **“ЎзАСБО” дастурий мажмуасидан фойдаланиш учун логин ва пароллар олиниши лозимлиги билдирилди.**

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ② Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ③ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ④ Ички аудит хизматининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ⑤ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ⑥ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ⑦ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқирилиши

Кадастр агентлиги

Кадастр агентлигида Ички аудит бўлими фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 24 ноябридан 5 декабрига қадар амалга оширилди. Унга кўра, бўлимнинг **сифат даражаси 72,3 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**16 баллдан 7 балл (44%)**), ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**12 баллдан 6 балл (50%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**22 баллдан 15 балл (68%)**) ҳамда ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар (**10 баллдан 7 балл (70%)**), йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўналиши бўйича ички аудит бўлими низомида Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланмаган.**

Шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномаларида ходимнинг **вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгилаб ўтилмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши йўналиши бўйича бўлим томонидан ички аудит тадбирлари учун белгиланган тартибда **дастур ишлаб чиқилмаган**, шунингдек, **ички аудит тадбирлари “Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси”да белгиланган муддатлардан (20 иш кунидан) кўпроқ муддатларда ўтказилиб келинган.**

Шу билан бирга, ички аудит бўлими фаолияти натижалари юзасидан **ҳисоботлар биринчи раҳбарга** (Агентлик директориغا) **киритиб борилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича бўлим томонидан Давлат кадастрлари палатасининг ташкилотларида ўтказилган **ички аудит тадбирлари натижаси** бўйича белгиланган тартибда **чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган.**


Шу билан бирга, бўлимнинг барча ходимларига масофавий аудит ўтказиш учун **“ЎзАСБО” дастурий мажмуасидан фойдаланишга имконият яратилмаган (логин ва пароллар олинмаган).**

4. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича бўлим томонидан агентлик тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган **нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича ўтказилган аудит (назорат) ишларига оид ҳужжатлар мониторинги юритиб келинмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит бўлимининг низоми ҳамда ходимлар лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда қайта тасдиқланди.

Шунингдек, ички аудит тадбирлари натижаси бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар режасининг тузилиши, ижросининг таъминлиниши ҳамда бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши юзасидан услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Кадастр агентлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ② Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ③ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши
- ④ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ⑤ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑥ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ⑦ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши

Ёшлар ишлари агентлиги

Ёшлар ишлари агентлигида Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 11 августидан 15 августига қадар амалга оширилди. Унга кўра Ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 75,7 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**12 баллдан 6 балл (50%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши (**28 баллдан 19 балл (68%)**) ҳамда ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши (**16 баллдан 12 балл (75%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўналиши бўйича ички аудит хизмати низомида Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланмаган.**

Шунингдек, лавозим йўриқномасида ходимнинг **вазифа ва функциялари намунавий низомга мувофиқ ҳолда белгиланмаган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича хизматнинг 2025 йил учун йиллик режасини ишлаб чиқишда, ўтказилган хавф таҳлиliga кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари йиллик режага тўлиқ киритилмаган.**

Шунингдек, ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилган.**

3. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши йўналиши бўйича хизмат томонидан 2024-2025 йилларда ўтказилган режадан ташқари ички аудит тадбирлари **натижалари “Давлат аудити” дастурий комплексига киритилмаган.**

Шунингдек, вазирликнинг **бюджет дастурлари ижроси белгиланган йўналишларда баҳоланмаган** ҳамда баҳолаш натижалари бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.**


4. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирлари натижаси бўйича тузилган **чора-тадбирлар режасида** ички аудит тадбирида билдирилган **айрим таклиф ва тавсиялар акс эттирилмаган.**

Бундан ташқари, ички аудит хизматининг 2024 йил учун тасдиқланган **йиллик режасининг бажарилиш кўрсаткичи** ҳисобот даври якунига кўра **38 фоизни ташкил этган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизматининг ва низоми ва лавозим йўриқномасини Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инobatга олган ҳолда мувофиқлаштириб бориш юзасидан услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, агентликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларни белгиланган барча йўналишларда баҳоланиши ва натижалари юзасидан бюджет маблағларидан янада самарали ва натижали фойдаланишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши бўйича тушунтиришлар берилди.

Ёшлар ишлари агентлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ② Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ③ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ④ Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ⑤ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши
- ⑥ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑦ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши

Маданият вазирлиги

Маданият вазирлигида Ички аудит бўлими фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 19 майдан 30 майга қадар амалга оширилди. Унга кўра Ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 81,3 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши **(18 баллдан 14 балл (78%),** ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши **(16 баллдан 11 балл (69%),** ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(28 баллдан 21 балл (75%),** ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар **(14 баллдан 11 балл (79%)** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича вазирликда ички аудит бўлимининг **бўйсунуви ва ҳисобдорлиги биринчи раҳбарга белгиланмаган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йил учун йиллик режани ишлаб чиқишда, ўтказилган хавф таҳлилига кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари йиллик режага тўлиқ киритилмаган.**

Шу билан бирга, ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисмни ташкил қилган.**

3. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит бўлими томонидан **ички аудит тадбирлари учун дастурлар ишлаб чиқилмаган.**


Шунингдек, вазирликнинг **бюджет дастурлари ижроси белгиланган йўналишларда баҳоланмаган** ҳамда баҳолаш натижалари бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.**

4. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича ички аудит бўлими фаолияти бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **олдинги баҳолашда берилган таклиф ва тавсиялар бажарилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирлик марказий аппарати тузилмасида ички аудит хизматининг биринчи раҳбарга (вазирга) бўйсунуви таъминланди.

Шунингдек, вазирликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларни белгиланган барча йўналишларда баҳоланиши ва натижалари юзасидан бюджет маблағларидан янада самарали ва натижали фойдаланишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши бўйича тушунтиришлар берилди.

Маданият вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ② Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ③ Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ④ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ⑤ Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ⑥ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑦ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши

Фанлар академияси

Фанлар академиясида Ички аудит бўлими фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 3 ноябридан 14 ноябрга қадар амалга оширилди. Унга кўра Ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 83,8 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши *(16 баллдан 9 балл (56%))*, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши *(12 баллдан 8 балл (67%))* ҳамда ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши *(12 баллдан 10 балл (83%))* йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўналиши бўйича ички аудит бўлимининг низомида Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланмаган.**

Шунингдек, ходимлар **лавозим йўриқномалари** ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда қайта **янгилаб борилмаган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит бўлими томонидан 2025 йилнинг иш режасини ишлаб чиқишда **хавф таҳлили белгиланган тартибда ўтказилмаган**, шунингдек, хавф таҳлилига Академия тизимидаги **ички аудит объектлари тўлиқ қамраб олинмаган.**


Шу билан бирга, ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисмни ташкил қилган.**

3. Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши йўналиши бўйича ички аудит бўлимининг 2025 йил III чорак **фаолияти самарадорлиги 70 фоиз “қониқарли” кўрсаткични қайт этган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит бўлимининг низоми ва ходимлар лавозим йўриқномаларини Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда мувофиқлаштириб бориш юзасидан услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, ички аудит бўлимининг йиллик режасини Академия тизимидаги барча ички аудит объектларини қамраб олган хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиш ва бунда бўлимининг мавжуд вақт ресурсларини инобатга олиш бўйича тушунтириш берилди.

Фанлар академиясининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ② Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ③ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ④ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑤ Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ⑥ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ⑦ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 22 сентяридан 3 октябрга қадар амалга оширилди. Унга кўра Ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **86,1 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**16 баллдан 8 балл (50%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши (**12 баллдан 10 балл (83%)**) ҳамда ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар (**14 баллдан 12 балл (86%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирлари натижаси юзасидан **чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган.**

Шунингдек, ички аудит хизмати томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши бўйича **мониторинг юритилмаган** ҳамда унинг **ижро этилиши бўйича маълумотлар мавжуд эмас.**

Бундан ташқари, ички аудит хизматининг 2025 йил учун тасдиқланган **йиллик режасининг бажарилиш кўрсаткичи** жорий йилнинг I ярим йиллик ҳисобот даври якунига кўра **75 фоизни ташкил этган.**


2. Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши йўналиши бўйича ички аудит хизматининг 2025 йил II чорак **фаолияти самарадорлиги 10 фоиз “қониқарсиз” кўрсаткични қайт этган.**

3. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар йўналиши бўйича ички аудит бўлими фаолияти бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **олдинги баҳолашда берилган таклиф ва тавсиялар бажарилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит тадбирлари натижаси бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар режасининг тузилиши, ижросининг таъминланиши ҳамда бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши юзасидан услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, ҳар чоракда бир молиявий масалага (давлат харидлари, иш ҳақи, қурилиш-таъмирлаш, асосий воситалар ҳисоби каби) қаратилган режадан ташқари ички аудит тадбирларини ўтказиш орқали тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича тушунтиришлар берилди.

**Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг
ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари**



- ① Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ② Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши
- ③ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ④ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑤ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ⑥ Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ⑦ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши

“Ўзархив” агентлиги

“Ўзархив” агентлигида Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 13 октябридан 24 октябрга қадар амалга оширилди. Унга кўра Ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 88,7 фоиз кўрсаткич билан “ўрта” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши **(16 баллдан 11 балл (69%),** ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(22 баллдан 19 балл (86%)** ҳамда ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши **(18 баллдан 16 балл (89%)** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит хизмати** агентликнинг марказий аппаратида **мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил этилмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирлари натижаси бўйича **ҳисоботларда ички аудит хизматининг таклиф ва тавсиялари билдирилмаган.**


Шунингдек, ички аудит хизмати фаолияти бўйича **ҳисоботлар** оммавий ахборот воситалари орқали **жамоатчиликка мунтазам равишда эълон қилиб борилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирлари натижаси юзасидан **чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган** ҳамда унинг ижроси бўйича **мониторинг юритилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, агентликда ички аудит хизмати фаолиятини амалдаги ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш юзасидан услубий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, ички аудит тадбирлари натижаси бўйича чора-тадбирлар режасининг белгиланган тартибда тузилиши, ижросининг таъминланиши ҳамда бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

**“Ўзархив” агентлигининг ички аудит хизмати
фаолиятини баҳолаш натижалари**



- ① Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ② Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ③ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ④ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқишлиши
- ⑤ Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ⑥ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑦ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Ички аудит бошқармаси фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 30 июнидан 11 июлига қадар амалга оширилди. Унга кўра ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 91,6 фоиз кўрсаткич билан “юқори” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликда ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**12 баллдан 12 балл (100%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**28 баллдан 28 балл (100%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши (**12 баллдан 12 балл (100%)**), ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши (**18 баллдан 17 балл (94%)**) йўналишлари бўйича **ишлар етарли даражада амалга оширилганлиги маълум бўлди.**

Ўз навбатида, баҳолашда ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**16 баллдан 12 балл (75%)**) ҳамда чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**16 баллдан 14 балл (88%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**


1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2025 йил учун йиллик режани ишлаб чиқишда **хавф таҳлиliga** вазирлик тизимидаги **ички аудит объектлари тўлиқ қамраб олинмаган.**

Шунингдек, бошқарма томонидан 2024 йил давомида ўтказилган ички аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисми ташкил қилган.**

2. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича вазирликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича ички аудит тадбирлари натижаси бўйича **чора-тадбирлар режасига** ички аудит тадбирларида билдирилган **таклиф ва тавсияларнинг айримлари киритилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ҳар чоракда бир молиявий масалага (давлат харидлари, иш ҳақи, қурилиш-таъмирлаш, асосий воситалар ҳисоби каби) қаратилган режадан ташқари ички аудит тадбирларини ўтказиш орқали тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича услубий ёрдам берилди.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизмати
фаолиятини баҳолаш натижалари**



- ① Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ② Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ③ Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши
- ④ Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ⑤ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ⑥ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ⑦ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқишли

Адлия вазирлиги

Адлия вазирлигида Ички аудит бўлими фаолиятини баҳолаш 2025 йилнинг 9 июнидан 20 июнига қадар амалга оширилди. Унга кўра ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 92,4 фоиз кўрсаткич билан “юқори” даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликда ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши **(18 баллдан 18 балл (100%))**, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши **(12 баллдан 12 балл (100%))**, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши **(16 баллдан 15 балл (94%))** ҳамда ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ва фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши **(12 баллдан 11 балл (92%))** йўналишлари бўйича **ишлар етарли даражада амалга оширилганлиги маълум бўлди.**


Ўз навбатида, баҳолашда ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши **(16 баллдан 14 балл (88%))**, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(28 баллдан 25 балл (89%))**, йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йил давомида ўтказилган аудит тадбирлари таркибида **режадан ташқари тадбирлар улуши 20 фоиздан ортиқ қисмни ташкил қилган.**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича вазирликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича **ҳисоботлар белгиланган йўналишларда баҳоланмаган** ҳамда баҳолаш натижалари бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликнинг бюджет дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларни белгиланган барча йўналишларда баҳоланиши ва натижалари юзасидан бюджет маблағларидан янада самарали ва натижали фойдаланишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши бўйича тушунтиришлар берилди.

Адлия вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



- ① Ички аудит хизматининг белгиланган тартибда ташкил этилиши
- ② Ички аудит хизмати ички хужжатларнинг қабул қилиниши
- ③ Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши
- ④ Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси
- ⑤ Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар
- ⑥ Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши
- ⑦ Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши